



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (12.747)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Мамлакатимиз ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда мустақилликка эришди. Шу йиллари аҳоли эҳтиёжи учун зарур нарсалар четдан келтирилди.

Ким эдигу ким бўлдиқ?

«MADE IN UZBEKISTAN» БЕЛГИСИ ДУНЁГА ЁЙИЛМОҚДА

Уша пайтларда Ўзбекистон барча товарлар билан ўзини ўзи таъминлайди, ҳали ҳамма нарса мўл-кўл бўлади, деса биров ишонмасди. Бугун бу аниқ ҳақиқат. Бозору супер-маркетларда барча озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол товарлари мўл-кўл. Ҳамма ўзига маъқулини танлаб, саралаб олади.

Мамлакатимиз нафақат ўз эҳтиёжини ўзи қондирмоқда, балки «Made in Uzbekistan» ёрлиги таъминланган маҳсулотларимиз дунёга ёйилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида юртимизнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозоридagi ўрни кенгайиб бораётган. Корхоналаримиз жаҳон бозорига қарийб барча турдаги товарларни – озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, замонавий техникаларга тақлиф этмоқда. Халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижлик истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон умумий қиймати қарийб беш миллиард долларлик озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўн баробардан зиёд ошди. Мамлакатимиз дунёнинг 80 давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётган. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа қўллаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт

қилиш ҳажми бўйича дунёдаги ўн таққиб давлат қаторида туради.

Юртимизда энгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. «Ўзбекенгил-саноат» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугун компания таркибида уч юзта корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар 2013 йилда умумий қиймати 2 триллион сўмдан ортиқ миқдорда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати қарийб 830 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган энгил саноат маҳсулотлари Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилётган.

– Авваллари хорижий давлатлар пахтаимизни сотиб олиб, уни қайта ишлаб, сўнг тайёр маҳсулот ҳолида қайта ўзимизга пуллар эди, – дейди «Yagona Hamkor Nuri» корхонаси директори Санобор Носирова. – Истиқлол шарофати билан ўз юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига тақлиф этиш ва дунё тадбиркорлари билан тенгма-тенг рақобатлашиш имконига эга бўлдиқ. Мисол учун, корхонамиз юз фоиз пахтадан бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва уларни бир неча мамлакатга экспорт қиламиз. Биз, тадбиркорларнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши йўлида барча зарур шароит ва қулайликлар яратиш берилётгани учун Президентимиздан миннатдоримиз.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2014

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТўПЛАШНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловда иштирок этиш истагини билдирди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

– Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг қамда қирқ мингга имзосини тўплаш зарур, – дейди К.Одилов. – Бунда мамлакатимизнинг битта маъму-

рий-худоий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сонини талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоиздан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябрда Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим қилиш шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

– Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг қатнашишига ҳам руҳсат этилади, – дейди К.Одилов. – Сайловчилар имзоси сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар асосида беш

кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ихозат бериш тўғрисида яқуний қарор қабул қилади. Сайловда қатнашувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Эслатиб ўтиш керакики, Ўзбекистонда 2014 йилнинг 15 сентябридан парламент қўйи палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбаси – 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 15 депутатлик ўрни эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган.

(ЎЗА)

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, 16 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан ўз ишларини бошладилар. Қонун лойиҳаси кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатларини, корхона банкрот бўлганда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича талабларни кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларига мутаносиби равишда қондириш орқали уларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгаришлар киритиш асосида қучайтиришни назарда тутди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини қучайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш ҳисобида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шундан сўнг депутатлар «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар тақрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Тузатишларни «Метрология тўғрисида»ги ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги қонунларга киритиш назарда тутилган.

Депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидега киритилган янги таҳрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик турмушига ахборот технологияларини синдиришга катта эътибор берилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг, шунингдек, улардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматларнинг муваффақиятли жорий этилиши ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча тармоқларини, шу жумладан, бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти тизимида уйғунлашуви мамлакатимиз бизнеси томонидан тегишли технологиялар нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам қўлланилишига олиб келиши муқаррардир.

Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда товарлар сотиш, ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, электрон тижоратни амалга ошириш ва унинг иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмларни белгилаб қўйиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Электрон тижорат асосида ахборот тармоқлари ва оқимлари воситасида операцияларнинг шаффофлигини ошириш мумкин. Бу эса харидорлар ва сотувчиларга турли рақобатчилик томонидан тақлиф этилаётган нархлар, маҳсулот сифати ва етказиб бериш шартлари тўғрисида бир лаҳзада ахборот олиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилоятининг Фалла-орол тумани Кўкғумбаз қишлоғидаги 58-умумтаълим мактаби ўқувчилари жорий ўқув йилини замонавий лойиҳа асосида қайта қурилган янги бинода бошлади.

• Тошкент вилояти Бекобод тумани фермерлари жорий йилда 15 минг 700 гектар майдонда пахтанинг «Ан-Боёвут», «Султон», «Андижон» каби иқлимга мос, эртапишар навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди.

• Фарғонада иқтисодиётда тадбиркорлик тараққиёти ва инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, тадбиркорлар билан ўтказилаётган «очиқ эшиклар кунини», «ягона ойна» марказлари фаолияти, ишбилармонлар учун яратилаётган имтиёз ва кафолатлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

• Бувайда туманида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида республикамизда олиб борилаётган археологик қазилмаларни ўрганишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ҳамда Термиз археология музейи ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуманда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан тарихшунос олимлар ва тадқиқотчилар қатнашди.



• Электрон китоб афзалми ёки анъанавий китоб? Аслида электрон китоб технологик афзалликлари кўплиги билан ажралиб туради. Бироқ олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар анъанавий китобнинг ўзига хослигини яна бир бор исботлади. Электрон китобни мутолаа қилганлар анъанавий китобни мутолаа қилганларга нисбатан воқеликларни кам эслаб қолганлиги қайд этилди. Яъни, ҳисоб 55 фоизга 12 фоизни ташкил этди. Бу тажриба бир неча бор ўтказилиб, натижа қайта-қайта тасдиқланди.

• Озон қатламини емирувчи модда олимларни хавотирга солмоқда. Яқинда Американинг Аэроавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси – «NASA» сайёрамиз атмосферасида озонни емирувчи модда – кўп миқдорда тетрахлорид бирикмаси пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқатган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хар қандай корхонанинг рақобатбардошлиги маҳсулот сифати-га қараб белгиланади. Шу боис мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимиз корхоналарида бундай тизимларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни ўз вақтида сертификатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Сифат бошқаруви тизимида амалга оширилаётган янги бозор механизми сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлайди ва ўзаро шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида истеъмолчилар ишончини янада оширади.

Хорижда сафарда бўлган ҳамюртларимиз турли шаҳарларнинг кўчаларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар ҳам тез-тез кўзга ташланиши одамнинг кўнглига фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этиши ҳақида тўлқинлиб сўзлайди.

Ҳа, бугун автомобилсозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига, халқимизнинг ифтихорига айланган.

Ҳозирги кунда автомобилларимиз ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Хорижий давлатларда Ўзбекистон автомобил саноатининг 250 дан ортиқ дилери фаолият кўрсатмоқда. Замонавий дизайн ва юқори техник имкониятларга эга ўзбек автомобиллари истеъмолчилар ишончини қозониб, мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорлик, қўлай ишбилармонлик муҳити, бу борада пухта шаклланган механизм хорижий сармоядорларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Юртимизда чет эллик инвесторлар билан тузилган қўшма корхоналар сонининг йил сайин ошиб бораётгани бунинг

яққол тасдиғидир. Жумладан, «East Butterfly», «Novopharma Plus», «Global Komsco Daewoo», «Uztex-Tashkent», «Agromir» каби қатор қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

«MADE IN UZBEKISTAN» БЕЛГИСИ ДУНЁГА ЎЙИЛМОҚДА



Ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорт салоҳиятини юксалтиришда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиаллари-га эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиш, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузи-

ши, хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан олтишга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мазкур жамғарма кўмағида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиб, ўз маҳсулотлари экс-

калар ўрнатиш, истикболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш бўйича келишувларга эришди.

– Яратилаётган қўлай имкониятлар туфайли мамлакатимизда ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда, – дейди жамғарма директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. – Жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарма томонидан жами қарийб олти юзта тадбиркорлик субъектларига қурилиш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, сайёҳлик, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини хорижда экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 472,8 миллион АҚШ долларига тенг товар ва хизматлар экспорт қилишга эришилди. Жамғармамиз ўз фаолияти давомида ўзаро манфаатли ва серқирра халқаро савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, хусусий секторнинг ташқи бозордаги фаолиятини кенгайтириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш йўлида қатор истикболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда барпо этилган «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий индустриал зоналари бу борада улкан ютуқларга эришиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ташкил этиш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қўлай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта ҳисса қўшаётир.

Яна бир гап. «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан шу йилнинг апрель ойида нашр қилинган ҳисоботда Ўзбекистонда охириги 10 йил мобайнида юқори иқтисодий ўсиш даражаси таъминланганлиги ҳамда мамлакатимиз экспорти таркибининг МДҲдаги бошқа давлатларга нисбатан диверсификацияланганлиги ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатлари ўзгарувчанлигининг сезиларли даражада паст бўлгани таъкидланган. Булар Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ва халқимиз фидоқорона меҳнатлари, юртимиздаги тинчлик-осойишталик самаралари бўлиб, ҳар биримизга гурур-ифтихор бағишлайди.

**Ирода УМАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси**

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Фахриддин Солиев, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаолиятининг янада оширилиши, шу жумладан, мамлакатимиз товарларининг чет эл бозорларига чиқиши учун электрон тижорат инфратузилмасининг шакллантирилиши таъминланади.

Бизнингча, қонун лойиҳаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий воқеликлари ва истикболларига жавоб берган ҳолда мамлакатимиз компаниялари электрон шаклда бизнес билан шуғулланиши учун самарали муҳитни вуҷудга келтиришга, уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан тўлароқ ҳамкорлик қилишига, маҳсулотни ва хизматларини жаҳон бозорига чиқаришга қаратилган.

Хафиза Каримова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда нафақат товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун қўлай шарт-шароит яратишга, балки электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу билан бирга қонун лойиҳаси халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори технологик бозор инфратузилмасини яратиш имконини беради. Ўз навбатида, бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилга айланади, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўлиқ мос келади.

Ҳозирги вазиятда қўлай шарт-шароитлар яратиш ва электрон тижоратни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонунчилик масалаларини ҳал қилишга ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси ушбу соҳанинг тегишли ваколатли орган томонидан тартибга солинишига доир норма билан тўлдирилмоқда; шунингдек, мазкур органнинг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Илҳом Абдуллаев, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси:

– Янги таҳрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини миллий иқтисодиёт тизимига фаоллик билан жорий этилишини таъминлашга, мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари ва хизматлар кўрсатувчиларига қўлай шарт-шароит яратиб беришга қаратилган.

Шу муносабат билан «Миллий тикланиш» демократик партияси электрон тижоратнинг ташкилий, технологик масалаларини ҳал этишга, ахборотнинг хавфсизлигига ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга, атама ва тушунчаларни таърифлашга, электрон тижоратда давлат ҳаридлари амалга оширишга ягона ёндашувнинг, шунингдек, хорижий катнашчилар иштирокидаги битимларни тузишда қўлланиладиган зарурий ҳуқуқнинг таъминланиши тарафдоридир.

Раъно Гаимова, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Қонун лойиҳаси мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни назарда тутди. Энг асосийси, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо операцияларининг шаффофлиги ошиб боради, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа вақт ичида шартномалар тузиш имконини беради. Ҳужжат иқтисодиётнинг либераллашуви ва глобallaшуви шароитларида демократик бозор ислохотларини чуқурлаштиришга ҳам қаратилган.

Шу билан бирга қонун лойиҳаси бозорнинг янги иштирокчилари пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратиб беради. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда самаралироқ рақобатлаша олади. Бизнингча, давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кундалик фаолиятида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси партиялар дастурлари ва сайловчиларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда қизиқарли, баҳоланув ва эркин мунозара руҳида ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул таклифлар ҳужжатларни маромига етказиш чоғида ҳисобга олинади.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда депутатлар юқорида кайд этилган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ҳамда ҳужжатларни кейинги ўқишда қўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул кўмиталарга топшириб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎЗА)

ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда.

Жумладан, жорий йил давомида Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликларида тадбиркорлар билан ўтказилаётган ўқув-семинарлари режасига асосан «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан пойтахтда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш жараёнларида уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Йод еттишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида», «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида», «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар юзасидан ўқув-семинарлари Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси, туман солиқ идоралари ходимлари билан биргаликда ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар тадбиркорлар билан бевосита мулоқот, савол-жавоблар асосида ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Махсус экспорт комиссияси раиси томонидан 2012 йил 19 ноябрда тасдиқланган Тошкент шаҳрида ишлаб, илгари экспортга маҳсулот етказиб бермаган ёки экспорт маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этувчи саноат корхоналарида сифат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш учун ишлаб чиқилган жадвалга биноан «Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» ва «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» билан биргаликда корхоналарга сифат тизимларини жорий этиш бўйича амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Бошқармада «Очик эшиклар кунини» ҳар жумада ўтказиш белгиланган бўлиб, бунда тадбиркорлар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари бошқармада 242-12-35 рақамли ишонч телефони мунтазам ишлаб турибди. Ишонч телефони орқали қилинаётган мурожаатлар ҳам ўзининг ечимини топмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги президенти Дае Пё Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 сентябрь кунини Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясида бўлди.

АЛОҚАЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙМОҚДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига ҳамда Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йилнинг июнь ойида мамлакатимизга давлат ташрифлари ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам изчил тараққий этаётир. Идоралараро ташрифлар мунтазамлик касб этиб, ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви ривожланмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металл қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, савдо каби соҳаларда иш юритади.

Меҳмонларга федерация фаолияти, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқа-

ролик кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган. Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини камраб олади. Жамоат биришмаларининг истеъмол соҳасидаги сиёсатини шакллантиришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

– 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан агентлигимиз ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди, – деди Дае Пё Жунг. – Унга мувофиқ мазкур қўмида, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда агентлигимиз ҳамкорлигида учрашув, семинар ва тренинглар ўтказилмоқда. Соҳа мутахассислари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тажриба ва ахборот алмашиш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири**

Диққат, викторина!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хибоблар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакорр шахримиз кўрқига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш иш-

ларининг катта ижтимоий ва гарбиявий аҳамиятини, кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказди.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталарнинг ҳар сониди битта викторина саволи эълон қилинади. Кўрсатилган

манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўлаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мулоқ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига ёки gazeta-vto@mail.uz электрон манзилга йўлланиси лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55.

Савол:

Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси қачон бунёд этилган ва у қандай рамзий маънони англатади?

Тошкентда шу шиор остида жамоатчилик эътиборини атраф-муҳит муҳофазасига жалб этиш, экологик хавфсиз транспорт воситаларини оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қаратилган анъанавий веломарафон бўлиб ўтди.

ШАҲРИМИЗНИ БИРГАЛИКДА
ОБОД ЭТАЙЛИК!

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, наботот ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган узоқ муддатли давлат дастурлари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётди, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси билан ҳамкорликда аҳолининг экологик хабардорлигини ошириш бўйича қўшма лойиҳа доирасида ташкил этилган ушбу акцияда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Талаба ёшлар, Экологик ҳаракат ва унинг ёшлар қаноти фаоллари, турли муассасалар ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари велоспортга бўлган иштиёқи ва фаол фуқаролик позициясини намоиш қилди.

Велосипедда пойтахтимиз кўчалари ва масивларидан ўтган экоакция иштирокчилари шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари эътиборини ўзига жалб этди. «Салор» темир йўл станциясидан бошланган экоакция Тошкент Ботаника боғида якунланди. Бу ерда тадбирнинг тантанали қисми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ихроия кўмитаси раиси Б. Алихонов, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Д. Сабо ва бошқалар сайёрамизда бир миллиарддан ортиқ киши ўқиш ва ишга бориш, саёхатга чиқиш ҳамда табиат кўйида дам олиш учун велосипеддан фойдаланаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ҳам мазкур экологик тоза транспорт турига талаб аҳоли бўлгани боис турли веломарафонлар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу акция «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси санъаткорлари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди. Тошкент вилоятининг Меҳрибонлик уйлари ва пойтахтимиздаги ижтимоий муассасаларга велосипедлар топширилди.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ МЕДАЛЛАРИ

Ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари Россияда ўтган қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди.

Якутск шаҳрида йигирмага яқин давлатдан 130 нафардан зиёд спортчи иштирокда ташкил этилган бокс бўйича талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида юртдошимиз Шахрам Ғиёсов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида иштирок этган умидли спортчимиз мўғулистонлик Ценд-Аюш Отгон-Эрденени, мезбон спортчи Эмил Абшариповни, финалда қозғистонлик Маулен Оскенбекни мағлубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди. Спортчиларимиздан ўз вазн тоифасида Мирзобек Хасанов кумуш медал билан

тақдирланган бўлса, Улуғбек Ҳақбердиев учинчи ўринни эгаллади.

Омск шаҳрида ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон, Мўғулистон, Қозғистон каби ўнга яқин давлат вакиллари ғолиблик учун куч синашди. Турнирда ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари иккита олтин ва битта кумуш медални кўлга киритди.

Вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги финал баҳсида Улуғбек Дўсмуродов мезбон спортчи Дмитрий Юктовни енгиб, биринчи ўринни эгаллади. 91 килограммдан оғир бўлган спортчилар баҳсида яна бир

вакилимиз Улуғбек Мубинов россиялик Андрей Батиревни мағлубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланган бўлса, оғирлиги 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Сардор Ермухамедов иккинчи ўринни эгаллади.

Маҳачқалъа шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ҳам боксчиларимиз икки олтин ва бир бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Ўз вазн тоифасида Камолжон Мелиев ва Шухрат Абдуллаев олтин, Муслимбек Олимов бронза медал билан тақдирланди.

(ЎЗА)

Танловлар

БОЛАЛАР ИЖОДИДА
ВАТАН МАДҲИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ҳамкорлигида «Мустақиллик мадҳи болалар ижодида» шиори остида расмлар танлови ҳамда кўргазмаси ташкил этилди.

Танлов умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Унда жами 547 нафар ёшлар қатнашди. Мазкур расмлар танлови ҳамда кўргазмаси давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитларнинг кенг тарғиб этиш, ёш рассом ва фотосуратчиларнинг бадиий маҳорати, дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, уларнинг ижодида ранг-баранглилик хусусиятини қарор топтириш, ижодкор ёшларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишига кўмаклашиш мақсадида илк маротаба ўтказилди.

«Болажон» маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган кўргазма кўтаринки кайфиятда ўтиб, ёшлар томонидан яратилган ижодий ишлар кўргазмаси барчага завқ бағишлади.

Танловда биринчи ўринни эгаллаганимдан кўнглим тоғдай кўтарилди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Саодат Газиёва. — Миниатюра санъатига бўлган қизиқишим кучли. Устозим Содиқжон Фаизовнинг йўл-йўриқлари орқали маҳоратимни оширмоқдаман. Бир йилдан буюн бу йўналишда ижод қиламан. Танловда гулни юртимизнинг мустақиллигига ўхшатиб тасвирладим. Гул ҳам униб-ўсиши учун парваришланганидек, диёримиз ҳам мустақилликка эриш-

гач янада чирой очди. Мустақиллик биз, ёшларга барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очиб бергани қувонарлидир.

Ўзбекистон Давлат санъат музейига ташкил этилган саёхат танлов иштирокчиларига манзур бўлди. Тадбир сўнггида тақдирлаш маросими ўтказилди. Танлов ғолиблари ва фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ушбу танловда мактабимизнинг иқтидорли ўқувчилари билан иштирок этдик, — дейди Яқкасарой туманидаги 48-умумтаълим мактабининг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Камола Жабборов. — 9-синф ўқувчиси Динара Саҳадинова ўз иқтидорини намоён этиб, танловда 1-ўринни эгаллади. Чизган расмида мустақилликнинг улғу неъматлигини, бундай олий бахтга эришишимизда буюк бокалонларимизнинг ўрни беқиёслигини ёрқин рангларда тасвирлаган. Келгусида юртимизнинг кўзга кўринган ижодкорига айланишига тилақдошимиз.

Бир сўз билан айтганда, «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган мазкур танлов ёшларда она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон спорт делегацияси 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари XVII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Корея Республикасининг Инчон шаҳрига жўнаб кетди.

Осиё ўйинлари – 2014

ОМАД ЁР БЎЛСИН СИЗГА,
СПОРТЧИЛАР!

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни нуфузли мусобақага кузатиш учун спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароитлар яратиш, халқаро майдонларда Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш иқтидор эгаларини тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётди. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақалар — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мунтазам юқори натижаларга эришмоқда.

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтадиган бу галги Осиё ўйинларида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан ўн минг нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашади. Мазкур мусобақада ўзбекистонлик 300 нафарга яқин спортчи 32 спорт тури бўйича бўлиб ўтадиган бахсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўриши, улар учун муносиб шароит яратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз спортчиларининг йирик спорт анжуманларида шохсупага кўтарилиши яхши аънамага айланган, — дейди дэюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Жамол Шодмонов. — Ишончимиз комилки, юртдошларимизнинг Инчонда эришадиган натижалари аввалги Осиё ўйинларида қўлга киритилган ютуқлардан юқори бўлади.

2010 йили Гуанчжоуда ўтган Осиё ўйинларида ўқ отиш бўйича жамоавий бахсларда бронза медални қўлга киритган эдик, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Сакина Мамедова. — Бу галги мусобақада олтин медални кўзла-япмиз. Мусобақага ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрдик. Ниятимиз — Инчондан юқори натижалар билан қайтиш.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон спортчилари жаҳон майдонларида катта зафарларга эришмоқда. Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, Осиё ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шундай юксак даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси Президентимизнинг ёш авлод камолотига қаратаётган эътибори ва ғам-хўрлиги туфайли эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана шу туйғу уларга куч-қувват, ишонч бағишлайди. XVII Осиё ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлишига ишонамиз.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқар ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 19 сентябрь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдми. Гарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси —

9-11, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5779 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов
Топшириш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.40